

# **Бюджетдан маблағ олувчи муассасаларда жорий таъмирлаш ишларини бажариш бўйича**

2021 йил “10” май

Қўқон шаҳри

## **1-СОНЛИ ШАРТНОМА**

Икки томонлама хўжалик мунособатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи «Учқўприк иссиқлик қурилиш монтаж таъмир» МЧЖ (кейинги ўринларда «Иш бажарувчи» деб аталади) номидан раҳбари **Ш.Қаландаров** биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ҳамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи **Қўқон шаҳар ХТБ** номидан (келгусида «Буюртмачи» деб аталади) раҳбари **Д.Алимова** ўрталарида қуйидаги мақсадларда тузилди:

### **1.Шартнома предмети**

1.1.«Иш бажарувчи» «Буюртмачи»га ўзаро келишув асосида нуксон далолатномалари ва лойиҳа-смета ҳужжатларига кўра қуйидаги турдаги жорий таъмирлаш ишларини бажариб беради:

**Қўқон шаҳар ХТБ га қарашли 12,14,19,26 мактабларнинг иссиқлик тизимини жорий таъмирлаш**

1.2. Мазкур шартноманинг умумий қиймати **442 000 000** (тўрт юз қирк икки миллион) ҚҚС билан сўмни ташкил қилади, маҳаллий бюджет маблағлар доирасида маблағ ажратилган.

1.3.Бажариладиган жорий таъмирлаш ишларини хусусиятидан келиб чиқиб тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилган ҳолда томонларни ўзаро келишувига асосан алоҳида спецификация тузилиб тасдиқланади ва ушбу шартномага илова қилинади.

1.4. Жорий таъмирлаш ишларини бажариш муддати: 25 иш куни

### **2. Ҳисоб-китоб шартлари**

2.1. Бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун ҳисоб-китоб келишилган нархларда, бажарилган ишлар далолатномаси, счет-фактура ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб “Буюртмачи” томонидан қабул қилиниб олингандан сўнг тўлов жадвали бўйича амалга оширилади. Келишилган нархларнинг шаклланиши учун бажарилиши лозим бўлган жорий таъмирлаш ишларини сметаси еки калкуляция ва баҳолар прејискурантлари асос бўлиб ҳисобланади. Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида бажарилган жорий таъмирлаш ишларида хато ва камчиликлар аниқланса ва белгиланган нархлар юқори деб топилса, ушбу фарқ «Иш бажарувчи» ҳисобидан қопланади.

2.2 «Буюртмачи» олдиндан 30 % миқдорида туловни амалга оширади қолган ҳисоб-китобни тўлиқ ишлар якунлангандан сўнг текширув далолатномаси расмийлаштирилади ҳамда «Иш бажарувчи»нинг ҳисоб рақамига қолган 70% ни 30 иш кунигача тўлаб берилади.

2.3. Жорий таъмирлаш ишларини бажарилиши жараёнида «Буюртмачи»га тегишли бўлган хом-ашелар ва материаллардан фойдаланилганда бажарилган жорий таъмирлаш ишлари қийматидан ушбу сарфланган хом-ашелар ва материаллар қиймати чиқариб ташланиб «Иш бажарувчи» билан ҳисоб-китоб қилинади.

### **3. Томонлар ҳуқуқи ва мажбуриятлари**

3.1. «Иш бажарувчи» ўз қучлари ва ишлаб чиқариш воситалари билан барча ишларни мазкур шартнома ва иловаларида яъни лойиҳа-смета ҳужжатларида кўзда тутилган даражада ва ҳажмларда, муддатида, сифатли,техник талабларга жавоб берадиган ҳолатда бажариб тегишли ҳужжатларни тўғри расмийлаштиришни ўз зиммасига олади.

3.2. «Иш бажарувчи» томонидан бажарилган иш (хизматлар)ни бир қисми ёки ҳаммаси сифатсиз бажарилганлиги аниқланиб «Буюртмачи» томонидан тегишли равишда далолатнома расмийлаштирилганда бажарилган ишларни сифатсиз қисми «Иш бажарувчи» томонидан ўз маблағлари ҳисобидан қайтадан бажариб берилади. Ушбу қўшимча бажарилган ишлар учун«Буюртмачи»томонидан тўлов амалга оширилмайди.

3.3 «Буюртмачи» «Иш бажарувчи» томонидан бажарилиши лозим бўлган жорий таъмирлаш ишларини нуксон далолатномалари (дефект актлари), лойиҳа-смета ҳужжатлари ва бошқа тегишли ҳужжатлари билан «Иш бажарувчи» ни таъминлайди.

3.4 «Буюртмачи» бажарилган жорий таъмирлаш ишларининг шартнома шартлари ва лойиха-смета ҳужжатларига тўғри келишини текшириб қабул қилиб олгандан сўнг бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун шартномада кўрсатилган муддатда тўловни амалга ошириши шарт.

#### **4. Жарималар кўланилиши**

4.1 Агар «Иш бажарувчи» томонидан «Буюртмачи»га сифатсиз бажарилган ишлар (хизматлар) тақдим этилганда «Иш бажарувчи» эса ушбу нуқсонларни бартараф этишдан бош тортса, «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»дан бундай бажарилган жорий таъмирлаш ишларининг умумий қийматидан 50 %, лекин шартноманинг 1.2 бандида кўрсатиб ўтилган суммасининг 50% ошмаган ҳолда жарима кўллаб, қонунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

4.2 Агар «Иш бажарувчи» томонидан шартномада белгиланган ишлар муддатларида бажарилиши таъминланмаса, «Иш бажарувчи» муддатида бажарилмаган жорий таъмирлаш ишларининг умумий қийматининг 0.02% миқдорида ҳар бир муддати ўтган кунни учун «Буюртмачи»га жарима тўлайди.

4.3 Қабул қилинган жорий таъмирлаш ишлари учун шартномада белгиланган муддат ичида асоссиз равишда тўлов амалга оширилмаган тақдирда ҳар бир кечиктирилган кун учун қабул қилинган иш(хизмат) миқдори суммасидан «Буюртмачи» томонидан 0.02 % миқдорида «Иш бажарувчи» га пеня тўланади.

4.4 Жарималар тўланиши «Иш бажарувчи»ни ва «Буюртмачи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

#### **5. Форс-мажор**

5.1 Шартномада кўрсатилган шартлар томонларга боғлиқ бўлмаган ғавқулда ҳолларда бузилса (яъни сув тошқини, енгин, зилзила, бошқа табиий офатлар ва ҳукуматнинг махсус қарорларини бажариш билан боғлиқ ҳолатларда) томонлар жавобгар бўлмайди.

#### **6. Шартнома муддати**

6.1. Шартнома иккала томонлар имзолангандан сўнг кучга киради.

6.2 Шартноманинг амал қилиш муддати 2021 йил 31 декабргача. Маълум сабабларга кўра бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш имкони бўлмаганда томонларни ўзаро келишувига асосан тўлов учун қўшимча вақт белгиланади.

6.3 Шартнома қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:

а) томонлар ўзаро езма келишувига асосан;

б) «Иш бажарувчи» томонидан бажарилган жорий таъмирлаш ишларининг сифатсизлиги тўғрисида «Буюртмачи» томонидан белгиланган тартибда ҳужжат расмийлаштирилиб тегишли хулоса олинганда;

в) «Иш бажарувчи» томонидан мазкур шартноманинг 3.1 ва 3.2 бандлари бажарилмаганда;

г) бюджетдан маблағ олувчининг харажатлар сметасига ёки лойиха-смета ҳужжатларига белгиланган тартибда ўзгартириш киритилиши натижасида шартнома суммаси камайирилиши лозим бўлгани ҳолда «Иш бажарувчи» ушбуга розилик бермаган тақдирда;

д) нархлар ўзгариши натижасида маҳсулотларнинг, бажарилган жорий таъмирлаш ишларининг нархи маълум санадан ўзгариши (камайиши ёки қўшқаниши) лозим бўлгани ҳолда томонлар ўзаро келиша олмаган тақдирда;

Изоҳ: б, в, г, д пунктлари бўйича шартномалар «Буюртмачи» томонидан бекор қилиниши мумкин. Шартноманинг бекор қилингани тўғрисида «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»га ёзма равишда, асосларини келтирган ҳолда хат билан маълум қилади.

#### **7. Қўшимча шартлар**

7.1 Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро ҳал қилинади. Ўзаро ҳал қилинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан Иқтисодий судлари орқали ҳал қилинади.

7.2 «Иш бажарувчи» ўз фаолиятини юргизиш учун лозим бўлган ҳужжатлардан (лицензия, гувоҳнома, сертификат) «Буюртмачи»га тақдим этади.

7.3 Шартномани бажарилиши учун таълуқли ҳужжатларни ҳаққонийлиги ва тўғрилиги учун ушбу ҳужжатларни тақдим этаётган томонлар маъсул ва жавобгардирлар.

7.4 Ушбу шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг белгиланган тартибда ва муддатда тегишли ғазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтказилиши шарт. Рўйхатдан ўтказилмаган шартномалар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

7.5 Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва томонларнинг имзо ва муҳрлари билан тасдикланиб тегишли ғазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг амалга киритилади.

## 8. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари

«Иш бажарувчи»

**“Учкўприк Иссиқлик Қурилиш  
Монтаж Таъмир” МЧЖ**

(иш бажариб берувчининг номи)

Манзил: Учкўприк тумани Бекобод  
қишлоғи

Тел./факс 91 201 02 98

х/в: 2020 8000 900 499 274 001

Банк номи: Микрокредит банк

Учкуприк филиали

МФО: 01052 СТИР 303 431 822

ОКОНХ: \_\_\_\_\_

«Буюртмачи»

**Қўқон шаҳар Халқ таълими бўлими**

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Озодлик Хиёбони 20а уй

Тел./факс 542 56 77

ш/х\* 100022860304057092100075049

бюджетдан маблағ олувчи

СТИРн 200131489

ОКОНХ 97600

Ғазначилик бўлинмаси номи Молия

Вазирлиги Ғазначилиги

Ғазна х/в 23402000300100001010

Банкнинг номи тошкент шаҳар Марказий

Банк

МФО 00014

ғазначилик бўлинмаси ИНН си 201122919

Рахбар Ш.Қаландаров  
(Ф.И.Ш.)

ИМЗО

Рахбар

Д.Алимова

ИМЗО



Юридик маслахатчи хулосасаси

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RSIDA  
HUQUQIY XULOSA**

**1. Loyihaning turi : Shartnoma № 1**

**2. Loyihaning nomi**

Byudjetdan mablag' oluvchi muassasalarda (Qo'qon shahar XTBga qarashli 12-14-19-26- umuta'lim maktablarini isitish tizimini) joriy ta'mirlash ishlarini bajarish bo'yicha № 1-sonli shartnoma.

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot**

Qo'qon shahar Xalq ta'lim bo'limi tomonidan 2022 yil 10 may kuni ishlab chiqilgan va tizimga kiritilgan .

**4.Loyiha yuzasidan berilgan xuquqiy xulosa**

Mazkur shartnoma O'zbekiston Respublikasi amaldagi qonunlari hamda «Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatini shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida»gi qonuni asosida o'rganildi. Shartnoma loyihasi amaldagi qonun hujjatlari talablariga javob beradi hamda qonunga mos holda tuzilgan. Tomonlarning shartnomada ko'rsatilgan javobgarligi va o'zaro nizolarni hal qilish O'zbekiston Respublikasi «Fuqarolik kodeksi» hamda «Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatini shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida»gi qonuni asosida tuzilganligi hakida xulosa qilaman.

**Qo'qon shahar yuridik xizmat ko'rsatish  
markazi bosh yuristkonsulti:**



**U.Xoshimjonov**